

## ХІ. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

### Навоий вилояти ва худудларнинг ташкил топган йиллари ҳамда уларнинг марказлари

	<i>Ташкил топган йил</i>	<i>Вилоят ва туман, шаҳарлар марказлари</i>	<i>Ер майдони, минг. кв. км</i>
<b>Навоий вилояти</b>	<b>27.01.1992 й.</b>	<b>Навоий ш.</b>	<b>111,1</b>
Навоий ш.	1958 й	Навоий ш	0,06
Зарафшон ш.	1972 й	Зарафшон ш.	0,02
Ғозғон ш.	03.05.2019 й	Ғозғон ш.	0,59
Кармана	09.09.1926 й	Кармана ш-ча.	0,94
Конимех	29.12.1965 й	Конимех ш-ча.	9,25
Қизилтепа	07.12.1970 й	Қизилтепа ш.	2,19
Навбахор	12.03.1980 й	Бешработ ш-ча.	1,57
Нурота	29.09.1926 й	Нурота ш.	5,94
Томди	03.07.1927 й	Томдибулоқ ш-ча.	42,49
Учқудук	25.03.1982 й	Учқудук ш.	46,63
Хатирчи	03.12.1964 й	Янгиработ ш.	1,42


Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1 013,8 минг кишини ташкил этди ва йил бошидан 16 713 кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди.

**Доимий ахоли сони<sup>1)</sup>**  
**(2021 йил 1 январь ҳолатига бирликда)**

	<b>Жами ахоли</b>	<b>шу жумладан:</b>		<b>1 кв. км га түгри келадиганлар сони</b>
		<b>шаҳар ахолиси</b>	<b>қишлоқ ахолиси</b>	
<b>Жами</b>	<b>1 013 813</b>	<b>495 716</b>	<b>518 097</b>	<b>9,1</b>
Навоий ш.	146 970	146 970	-	2450
Зарафшон ш.	85 137	85 137	-	4255
Гозғон ш.	7 347	7 347	-	12,4
Кармана	128 225	42 431	85 794	136,4
Конимех	36 179	16 470	19 709	3,9
Қизилтепа	153 939	48 704	105 235	70,3
Навбахор	114 681	16 447	98 234	73,0
Нурота	86 656	48 380	38 276	14,6
Томди	15 136	4 802	10 334	0,4
Учқудук	37 689	33 047	4 642	0,8
Хатирчи	201 854	45 981	155 873	142,2

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

## Жами аҳоли сони 1 013 813 киши




### Аҳолининг табиий ҳаракати 2020 йил январь-декабрь

	киши			<i>ҳар 1000 аҳолига нисбатан</i>	
	2019 й.	2020 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2019 й.	2020 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	22 770	23 827	1 057	23,0	23,7
Ўлганлар	4 378	5 038	660	4,4	5,0
Табиий ўсиш	18 392	18 789	397	18,6	18,7
Никоҳлар	8 939	9 105	166	9,0	9,1
Ажралишлар	942	931	-11	1,0	0,9

<sup>1)</sup>дастлабки маълумот

## Хар 1000 аҳолига нисбатан табиий ҳаракати



**Туғилиш даражаси.** 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида туғилганлар сони 23 827 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (22 770 киши) нисбатан 1 057 тага ошган. Туғилиш коэффициенти мос равища 23,7 промиллени ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (23,0 промилле) нисбатан кўпайганини кўрсатмоқда.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навоий шаҳрида (20,6 дан 22,9 промиллега), Зарафшон шаҳрида (21,7 дан 23,4 промиллега), Конимех (22,1 дан 22,2 промиллега), Қизилтепа (21,0 дан 21,6 промиллега), Томди (13,2 дан 15,7 промиллега), Учкудуқ (24,1 дан 25,6 промиллега), Хатирчи (25,4 дан 26,0 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.


**Ўлим даражаси.** 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 5 038 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (4 378 киши) нисбатан 660 тага ошди. Ўлим коэффициенти мос равища 5,0 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-декабрь ойларида – 4,4 промиллега) тенг бўлган.

Ўлганлар сонининг Навоий шаҳрида (4,6 дан 5,4 промиллега), Зарафшон шаҳрида (3,5 дан 4,2 промиллега), Конимех туманида (5,2 дан 6,0 промиллега), Навбахор туманида (4,5 дан 4,7 промиллега), Кармана туманида (5,2 дан 5,4 промиллега), Қизилтепа туманида (4,0 дан 5,2 промиллега), Учкудуқ туманида (3,9 дан 5,1 промиллега), Томди туманида (3,2 дан 4,1 промиллега), Хатирчи туманида (4,3 дан 4,6 промиллега) кўпайгани кузатилди.


**Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**  
**(Январь-декабрь ойларида, бирлик)**

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан ажралишилар</i>	
	<i>2019</i>	<i>2020</i>	<i>2019</i>	<i>2020</i>
<b>Жами</b>	<b>8 939</b>	<b>9 105</b>	<b>942</b>	<b>931</b>
Навоий ш.	1 141	1 310	192	212
Зарафшон ш.	656	556	109	102
Ғозғон ш.	-	30	-	-
Кармана	1 346	1 279	136	141
Конимех	247	271	43	33
Қизилтепа	1 312	1 359	105	103
Навбаҳор	989	1 130	93	104
Нурота	902	884	49	47
Томди	66	50	4	6
Учқудук	266	269	48	31
Хатирчи	2 014	1 967	163	152

**Вилоят бўйича тузилган никоҳларда худудларнинг улуши, % да**



## Вилоят бўйича никоҳдан ажралишларда худудларнинг улуси, % да



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЁ органларида 9 105 та никоҳлар ва 931 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,1 промиллега никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида 9,0 промиллега) ва 0,9 промиллега ажралишлар (2019 йилнинг тегишли даврида 1,0 промиллега) тўғри келди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Зарафшон шаҳар (7,9 дан 6,6 промиллега), Кармана (10,9 дан 10,1 промиллега), Томди (4,5 дан 3,4 промиллега), Хатирчи (10,2 дан 9,8 промиллега), Нурота (10,7 дан 9,7 промиллега), туманларида камайганлиги кузатилди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Навоий шаҳар (8,0 дан 9,0 промиллега), Конимех (7,0 дан 7,6 промиллега), Қизилтепа (8,7 дан 8,9 промиллега), Навбаҳор (8,8 дан 9,9 промиллега), промиллега туманларида ошгани кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Навоий шаҳар (1,3 дан 1,5 промиллега), Навбаҳор (0,8 дан 0,9 промиллега), Томди (0,3 дан 0,4 промиллега), туманларида ошгани кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Зарафшон шаҳар (1,3 дан 1,2 промиллега), Конимех (1,2 дан 0,9 промиллега), Учқудук (1,3 дан 0,8 промиллега), туманларида камайганлиги кузатилди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари**  
*(январь-декабрь ойларида 1000 аҳоли сонига)*

	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2019 й.	2020 й. <sup>1)</sup>	2019 й.	2020 й. <sup>1)</sup>	2019 й.	2020 й. <sup>1)</sup>
<b>Жами</b>	<b>23,0</b>	<b>23,7</b>	<b>4,4</b>	<b>5,0</b>	<b>18,6</b>	<b>18,7</b>
Навоий ш.	20,6	22,9	4,6	5,4	16,0	17,5
Зарафшон ш.	21,7	23,4	3,5	4,2	18,2	19,2
Ғозғон ш.	-	17,7	-	2,9	-	14,8
Кармана	26,4	25,1	5,2	5,4	21,2	19,7
Конимех	22,1	22,2	5,2	6,0	16,9	16,2
Қизилтепа	21,0	21,6	4,0	5,2	16,9	16,4
Навбахор	22,4	22,1	4,5	4,7	17,9	17,4
Нурота	26,2	25,6	5,5	5,4	20,7	20,2
Томди	13,2	15,7	3,2	4,1	10,0	11,6
Учқудук	24,1	25,6	3,9	5,1	20,2	20,5
Хатирчи	25,4	26,0	4,3	4,6	21,1	21,4


**Вилоят бўйича қўчиб келганлар ва қўчиб кетганлар сони**  
*(Январь-декабрь ойларида бирлиқ)*

	<i>Қўчиб келганлар</i>		<i>Қўчиб кетганлар</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	2019	2020	2019	2020	2019	2020 <sup>1)</sup>
<b>Жами</b>	<b>10 540</b>	<b>8 250</b>	<b>11 368</b>	<b>10 326</b>	<b>-828</b>	<b>-2 076</b>
Навоий ш.	2 909	2 988	3 063	2 711	-154	277
Зарафшон ш.	1 390	933	1 575	1 231	-185	-298
Ғозғон ш.	-	1	-	4	-	-3
Кармана	2 088	1 322	1 196	1 170	892	152
Конимех	593	386	650	357	-57	29


<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

	<i>Күчиб келгандар</i>		<i>Күчиб кетгандар</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2019</i>	<i>2020</i>	<i>2019</i>	<i>2020</i>	<i>2019</i>	<i>2020<sup>1)</sup></i>
Қизилтепа	635	427	713	696	-78	-269
Навбаҳор	708	575	631	702	77	-127
Нурота	412	343	653	711	-241	-368
Томди	352	401	273	113	79	288
Учкудуқ	525	314	1185	627	-660	-313
Хатирчи	928	560	1 429	2 004	-501	-1 444

**Вилоят бўйича кўчиб келгандар сони  
(Январь-декабрь ойларида бирлик)**



**Вилоят бўйича кўчиб кетганлар сони**  
(Январь-декабрь ойларида бирлик)



**Миграция.** Дастраси маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 8 250 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 10 326 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги манфий 2 076 кишига (2019 йилнинг шу даврида манфий 828 киши) тенг бўлди.

Вилоят ҳудудида миграция қолдиги, Зарафшон шаҳрида (манфий 298), Кизилтепа (манфий 269), Навбаҳор (манфий 127), Нурота (манфий 368), Учкудуқ (манфий 313), Хатирчи (манфий 1 444) туманларида камайиш кузатилди.

Вилоят ҳудудида миграция қолдиги Навоий шаҳри (277 кишига), Кармана (152 кишига), Конимех (29 кишига), Томди (288 кишига) туманларида ошгани кузатилди.

### XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Иш ҳақи.** 2020 йил январь-декабрь ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртacha ойлик номинал хисобланган иш ҳақи таҳлили кўйидагиларни кўрсатмоқда. Вилоятда ўртacha ойлик иш ҳақи 3 500,7 минг сўмни ташкил этган ҳолда, ўртacha ойлик иш ҳақининг юкори миқдори Учкудуқ туманида 5 261,8 минг сўмни (вилоят ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан 150,3 фоиз),

Зарафшон шаҳрида 5 039,6 минг сўмни (144,0 фоиз) ташкил этган бўлса, Фозғон шаҳрида 1 883,3 минг сўмни (53,8 фоиз), Кизилтепа туманида 1 662,3 минг сўмни (47,5 фоиз), Хатирчи туманида 1 730,6 минг сўмни (49,4 фоиз), Нурота туманида 1 740,7 минг сўмни (49,7 фоиз), Навбаҳор туманида 1 842,6 минг сўмни (52,6 ) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ўртacha ойлик номинал хисобланган иш ҳақи\* (минг сўмда)**


	2019 йил	2020 йил	Ўсиши суръати, % да
<b>Жами</b>	<b>2 968,8</b>	<b>3 500,7</b>	<b>117,9</b>
Навоий ш.	3 106,9	3 717,7	119,7
Зарафшон ш.	4 097,4	5 039,6	123,0
Фозғон ш.	-	1 883,3	-
Кармана	2 056,4	2 685,2	130,6
Конимех	2 691,9	1 913,5	71,1
Кизилтепа	1 529,8	1 662,3	108,7

	<i>2019</i> йил	<i>2020</i> йил	<i>Үсии суръати, % да</i>
Навбаҳор	1 765,8	1 842,6	104,3
Нурота	1 701,5	1 740,7	102,3
Томди	1 935,2	2 119,6	109,5
Учқудук	4 207,2	5 261,8	125,1
Хатирчи	1 604,1	1 730,6	107,9

\*)*Қайта ҳисобланган, кичик тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз.*

2020 йил январь-декабрь ойларида Навоий вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 117,9 % ни ташкил этиб, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори суръатлари Кармана тумани 130,6 %, Учқудук тумани 125,1 %, Зарафшон шахри 123,0 %, Навоий шахри 119,7 %, Қизилтепа тумани 108,7 %, Томди тумани 109,5 %, Хатирчи туманида 107,9 %, Нурота тумани 102,3 % ва Навбаҳор тумани 104,3 га ўсгани кузатилди.

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2019 йил январь-декабрга нисбатан, % да)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача  
ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(қишилоқ ҳўйжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Январь-декабрь		Вилоятдаги ўртача оийлик иш ҳақига нисбатан, % да	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Жами вилоят бўйича:</b>	<b>2 968,8</b>	<b>3 500,7</b>	<b>125,2</b>	<b>117,9</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	4 017,1	4 907,0	135,3	140,2
Қурилиш	3 811,9	4 067,1	128,4	116,2
Савдо	2 469,4	2 656,2	83,2	75,9
Ташиб ва сақлаш	1 880,9	2 257,8	63,4	64,5
Ахборот ва алоқа	2 068,6	2 538,8	69,7	72,5
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	4 643,7	5 734,8	156,4	163,8
Таълим	1 838,3	1 938,7	61,9	55,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 478,8	1 805,8	49,8	51,6
Бошқа фаолият турлари	2 254,6	2 609,4	75,9	74,5

Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари молия ва суғурта фаолиятида (123,5 %), Ташиб ва сақлаш (120,0 %), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда (122,1 %), Саноатда (122,2 %), Ахборот ва алоқада (122,7 %), Савдода (107,6 %), Қурилишда (106,7 %), Таълимда (105,5 %) ва бошқа йўналишлар (115,7 %) соҳалари хиссасига тўғри келди.

**Саноат соҳасида** 33 та корхонада 73 779 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 46,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 4 344 421,4 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4 907,0 минг сўмни;

**Таълим соҳасида** 645 та корхонада 40 569 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 25,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 943 836,0 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 938,7 минг сўмни;

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш соҳасида** 44 та корхонада 17 218 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 10,8 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 373 109,9 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 805,8 минг сўмни;

**Савдо соҳасида** 13 та корхонада 1 420 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 0,9 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 45 261,8 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 656,2 минг сўмни;

**Қурилиш соҳасида** 11 та корхонада 4 583 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 2,9 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 223 673,9 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4 067,1 минг сўмни;

**Ахбарот ва алоқа соҳасида** 8 та корхонада 670 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 0,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 20 412,0 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 538,8 минг сўмни;

**Ташиш ва сақлаш соҳасида** 13 та корхонада 1 821 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 1,1 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 49 337,3 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 257,8 минг сўмни;

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида** 45 та корхонада 2 090 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 1,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 143 829,6 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 734,8 минг сўмни;

**Бошқа фаолият турлари соҳасида** 312 та корхонада 16 632 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улушки 10,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 520 801,0 млн. сўмни, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 609,4 минг сўмни ташкил этди.